ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00317

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ МУАММОЛАР

Беҳзоджон Қуролович Маликов
Тошкент давлат транспорт университети ассистенти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда давлат хизматини тартибга солишдаги хуқуқий ва сиёсий муаммолар, жумладан, Давлат хизмати бўйича энг долзарб муаммолардан бири давлат хизмати учун замонавий билим ва кўникмаларга, бошқарувнинг илғор усулларига эга бўлган кадрлар тайёрлаш масаласига ва дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат хизмати учун кадрларни топиш, танлаш, баҳолаш, хизмат пиллапоялари бўйлаб кўтариш, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг баъзи тизимлари илмий жиҳатдан тахлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат хизмати, давлат хизматчиси, коррупция, этика, ислоҳот, ҳаракатлар стратегияси, ижро ҳокимияти, президент, ялпи ички маҳсулот, кадр, фуқаро, модернизация, глобаллашув.

PROBLEMS OF CIVIL SERVICE REGULATION IN UZBEKISTAN

Behzodjon Qurolovich Malikov
Assistant of Tashkent State Transport University

ABSTRACT

This article examines the legal and political issues of regulating the civil service in Uzbekistan, including one of the most pressing problems of the civil service, training personnel with modern knowledge and skills, advanced management methods and the search, selection and assessment of personnel. For civil service in many countries, a scientific analysis of some of the systems of promotion, material and spiritual incentives has been carried out.

Keywords: civil service, civil servant, corruption, ethics, reform, action strategy, executive branch, president, gross domestic product, personnel, citizen, modernization, globalization.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00317

КИРИШ

“Ислоҳотларимиз халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ”, деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида. Дарҳақиқат Ҳукумат томонидан давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга қаратилган вазифалар жамиятнинг сифатли давлат хизматларига бўлган замонавий талабларга бевосита боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда жамиятимизда рўй бераётган кенг миқёсдаги ўзгаришлар Ўзбекистонда давлат хизматини тубдан ислоҳ қилишни талаб қилади.

Маълумки, давлат хизмати энг муҳим ижтимоий институтлардан бири ҳисобланди, давлат бошқаруви даражаси эса унинг самарадорлигини оширишга муҳтождир. Давлатимиз олдида турган вазифаларнинг мутлақо ўзгарган моҳияти ҳам, давлат бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларнинг босқичма-босқич юзага келаётган янги андозаси ҳам шундан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз бошқарув соҳасида биринчи навбатда ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этишимиз зарур” .

Ўзбекистонда турли соҳа ва йўналишлар бўйича давлат функцияларини амалга оширадиган давлат органлари, қўмиталар, агентликлар, инспекциялар ва маҳаллий ҳокимият идоралари ташкил этилган бўлсада “Давлат хизмати тўғрисида”ги ва “Давлат хизматчилари тўғрисида” қонунлар қабул қилинмаган, давлат хизмати ва хизматчисининг ҳуқуқи мақоми, мажбуриятлари, бурчлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган. Одатда, ушбу муносабатлар меҳнат қонунчилиги нормалари билан тартибга солиниб келинмоқда (шунингдек, тегишли қонунлар, Устав ва Низомлар асосида). Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 18-моддасига мувофиқ, давлат хизматчилари меҳнатининг хусусиятлари алоҳида тартибга солиниши белгиланган. “Давлат хизмати соҳасида алоҳида қонуннинг йўқлиги кўпгина муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади... кимлар давлат хизматчиси ҳисобланиши, уларнинг қаторига кимлар кирмаслиги ҳақида аниқ бир нарса дейиш қийинлигини билдиради”. Бундан ташқари, фикримизча, меҳнат ҳуқуқи субъекти ҳисобланадиган ходимнинг ҳуқуқий мақомидан давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақоми тубдан фарқ қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00317

Ҳозирги глобаллашув шароитида ўтиш давридаги мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг сифатли, белгиланган талаблар даражасида амалга оширилиши давлат хизматининг ташкил этилиши, унда иштирок этаётган давлат хизматчиларининг малакаси, билими, тажрибасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Раҳбар шахси, унинг фазилатлари ва унга қўйилган сифатлар тўғрисида давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўзининг чиқишларида қайта-қайта такрорлаб ўтган. “Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади. Барча бўғиндаги раҳбарлар - у вазир ёки хоким бўладими, идора ёки ташкилот бошлиғи бўладими, ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиши зарур”.

Давлат хизмати бўйича энг долзарб муаммолардан бири давлат хизмати учун замонавий билим ва кўникмаларга, бошқарувнинг илғор усулларига эга бўлган кадрлар тайёрлаш масаласидир. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат хизмати учун кадрларни топиш, танлаш, баҳолаш, хизмат пиллапоялари бўйлаб кўтариш, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли тизимлари ишлаб чиқилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимиз давлат хизмати тизимида ва меҳнат бозорида шундай муаммо ҳамда анъана кузатилмоқдаги, кўплаб малакали мутахассислар давлат хизматидан кўра бизнес секторда ишлашни хоҳлашмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида давлат бошқаруви идораларида меҳнат қилувчи ходимлар ойлик иш ҳақининг камлиги ва уларга яратилган ижтимоий имтиёзларнинг талаб даражасида эмаслигини кўрсатиш мумкин. Албатта, ушбу омиллар давлатнинг функция ва вазифаларини бажаришга салбий таъсир кўрсатиши билан биргаликда, далат хизматчилари орасида коррупция элементларининг кучайишига олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, дунёнинг айрим мамлакатларида давлат хизматчиларининг иш хақини белгилашда бозор тамойиллари асосида ёндошилади. Масалан, Сингапурда давлат хизматчиларига иш ҳақи тадбиркорликдаги ўртача иш ҳақи ҳамда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўсиш суръатига боғлиқ ҳолда ҳисоблаб чиқади. Бугунги кунда Сингапур мансабдор шахсларнинг иш ҳақи даражаси бўйича дунёдаги энг юқори бўлган, ўз навбатида, коррупция даражаси минимал бўлган давлатдир. Шунингдек, Сингапурда давлат истиқболли ўқувчиларни мактаб ёшидаёқ эрта аниқлайди, уларни ўқиш давомида кузатиб ва рағбатлантириб боради. Улар университетларга кириш учун стипендиялар оладилар, айримлари хорижга кетади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00317

Ўз навбатида, истиқболли ўқувчилар 4-6 йил давомида ҳукуматга ишлаб бериш мажбуриятини оладилар. Шундай қилиб, энг яхши ва иқтидорли кишилар давлат хизматига киради.

Умуман олганда, давлат бошқарувидаги кадрлар сиёсати ўз-ўзидан мавжуд бўлмайди, у давлат сиёсатининг узлуксиз қисми ҳисобланади ва давлат сиёсатига доимий равишда мослаштирилиб борилади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида давлатнинг бош ислоҳатчилик мақоми раҳбарлар зиммасига, айниқса, давлат хизматчиларига алоҳида маъсулият юклайди. И.А. Каримов бу хақда шундай дейди: “Ҳаммангизга маълумки, бизда давлат – бош ислоҳатчи деган тамойил бор. Бугун шу иборани янгича тарзда, янгича мазмунда қўллаб айтадиган бўлсак, асосий ислоҳотчи давлат ходими бўлиши керак. Ҳозирги кунда ислоҳатлар тақдирини, энг аввало, давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини чуқур англаб олишимиз шарт”.

Демак, раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Давлат хизмати бўйича эътибор қаратилиши лозим бўлган йўналишлардан бири – давлат хизмачиларининг масъулиятини ошириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, хизмат этикасига қатъий риоя қилишини таъминлашдан иборат. Сир эмаски бугунги кунда давлат хизматидаги принципиал ўзгаришлар жараёнинг яна бир томони унинг аҳоли томон юз буришидир. Эндиликда фуқарога нисбатан “бошқарилувчи” сифатида эмас, балки давлат муассасаларининг ўзига хос “мижози” сифатида қаралмоқда. Эндиликда у “ҳомийлик остидаги шахс” мақомидан давлат унга тақдим этаётган хизматларнинг истеъмолчиси сифатида ўз ҳуқуқларини амалга ошириш мақомига ўтмоқда.

Фуқаронинг давлат билан муносабатларидаги ҳуқуқлари ҳамда уларга риоя қилиш кафолати, шунингдек, бошқарувда иштирок этиш, маъмурий ташкилотнинг ошкоралиги, унинг ҳозиржавоблиги, кишиларга яқинлиги, фуқароларнинг ахборот олишга имконияти ва ҳоказолар масалалари янгича долзарблик касб этмоқда.

Замон талаби асосида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00317

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

ХУЛОСА

Мазкур Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш бўйича асосий вазифалардан бири сифатида давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш белгилаб берилди.

Иқтисодий, ижтимоий ва айниқса, сиёсий ислоҳатларнинг муваффақияти, аввало, давлат бошқаруви соҳасидаги кадрларни танлаш ва тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни тўлиқ англаган ҳолда амалга ошириш қобилиятига боғлиқдир. Худди шу боис, давлат хизмати ва давлат хизматчилари соҳасида илмий изланишларнинг олиб борилиши ва унинг асосида қонун ҳужжатларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш зарурати сезилмоқда. Мазкур муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги коррупцияни, ўзбошимчаликни, қариндош-уруғчилик каби иллатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, 18-модда -.: Адолат. 2003.
2. Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари.- Т.: Академия, 2005.
3. Равшанов Ф. Хорижий мамлакатлар давлат хизмати тизимларида раҳбар кадрлар танлаш тажрибалари. Т.: Академия. 2008
4. Т Государственная служба в зарубежных странах. Сборник.- Уфа: РИО БАГСУ. 1995.
5. Николаева.М. Законадателъное и содержательное в психологическое диагностике.. Государственная служба. 2010.
6. Равшанов Ф.Р. Толерантность и перспективы развития. https://eesa-journal.com/wp-content/uploads/EESA_journal_8_part_13.pdf
7. Ravshanov, Fazliddin (2018) "TOLERANCE: HISTORY AND DEVELOPMENT," *The Light of Islam*: Vol. 2018: Iss. 1 , Article 17. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/17